

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ АЗИЗБЕК АБДУМАЛИКОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА
ИННОВАЦИОН ОНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (PhD)

Contents of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract

Эгамбердиев Азизбек Абдумаликович

Ўзбекистонда модернизация шароитида ёшларда инновацион онг шаклланишининг ижтимоий-фалсафий муаммолари.....3

Эгамбердиев Азизбек Абдумаликович

Социально-философские проблемы формирования инновационного сознания у молодёжи в Узбекистане в условиях модернизации.....21

Egamberdiev Azizbek Abdumalikovich

Socio-philosophical problems of the formation of innovative consciousness among young people in Uzbekistan in the context of modernization.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ АЗИЗБЕК АБДУМАЛИКОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА
ИННОВАЦИОН ОНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fal66 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашева Фарида Хужамқуловна
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Махбуба Нуруллаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Тўйчиев Бердикул Тўрақулович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117-хона.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган.). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

И.Р. Хўжамуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

У.Х. Бўтаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ж.С. Ра матов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичидаги кучли ижтимоий-иқтисодий рақобат шароитида давлатларнинг ривожланиши ёшлар инновацион онгининг шаклланиши ва жамият ҳаётига илм-фан ютуқларини татбиқ этилиши кўлами билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги даврда инновацион онгининг маҳсули бўлган тижоратлаштиришга мўлжалланган илмий тадқиқот натижаларининг жадаллик билан ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг йиллик ҳисоботида қайд этилганидек: «2016 йилда 3,1 миллионта патент рўйхатга олинган бўлиб, бу 2015 йилга нисбатан 240 мингтага кўпроқдир»¹. Табиий бойликларнинг чекланганлиги натижасида ер юзида вужудга келаётган озик-овқат, энергия, ижтимоий-иқтисодий ресурсларнинг тақчиллиги ва экологик инкирозларни бартараф этишнинг энг мақбул йўли – мавжуд муаммоларни ҳал этишга инновацион ёндашувдир. Шу боис дунёнинг илмий жамоатчилиги томонидан ёшларда инновацион онгни шакллантириш масалалари чуқур тадқиқ этилмоқда.

Дунёда инновацион онг шаклланишининг қонуниятлари, мезонлари ва кўрсаткичлари тўғрисида салмоқли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ёшларда инновацион онгининг шаклланишида креатив гуруҳлар, оверстрата ва ижтимоий масъул гуруҳларнинг ўрни, таълим тизими кадриятларининг трансформацияси муаммоларига оид концептуал ғоялар жаҳондаги етакчи олим ва амалиётчилар томонидан илгари сурилмоқда. Шу билан бирга инновацион парадигманинг муаммолари – инновацион онгининг шаклланиши, бу жараёнда илмий дунёқарашнинг ўрни, инновацияларни қабул қилишдаги фобиялар, толерантлик ва плюрализм масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, ёшларнинг бу борадаги фаоллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш инновацион онгни шакллантириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим вазифаларидан бири сифатида «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлири ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш»² белгилаб қўйилди. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиздаги туб ислохотлар шароитида ёшларда инновацион онгининг

¹ Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти расмий веб-саҳифаси. <https://www3.wipo.int/ipstats/keysearch.htm?keyId=201> – мурожаат этилган сана: 25.02.2018 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиш, ҳамда илмий-назарий аҳамиятга молик хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илм-фаннинг жамият тараққиётидаги ўрни илк Ренессанс – Шарқ Уйғониш даври алломалари томонидан яратилган йирик илмий асарлар тимсолида яққол намоён бўлади. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Мирзо Улуғбек сингари буюк қомусий олимларнинг ўз даври учун янги бўлган фан йўналишларидаги йирик кашфиётлари жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий тараққиётига олиб келди. Хусусан, Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек, «Инсон ҳаётидаги зарурат, эҳтиёжлар уларда илмларга бўлган талабларни келтириб чиқаради»³. Шу даврда яратилган илмий асарлар, дастлаб ўз даври, кейинчалик эса Европанинг илм-фани ва шу орқали тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди.

Гарвард университети профессори Йозеф Шумпетер инновацион тараққиёт назариясининг асосчиларидан биридир. Олим иқтисодий ўзгаришларнинг замирида бозордаги кескин рақобатда устунликни таъминлаш учун тадбиркорлар томонидан янги технологияларнинг қўлланилиши ётишини уқтиради⁴.

Жаҳон етакчи файласуф олимлари томонидан инновацион онг моҳиятига оид ижтимоий-фалсафий концепциялар шакллантирилган: россиялик файласуфлар А.Пригожин, М.Сорокин, «инновация» тушунчаси, инновацияларнинг юзага келиши, ижтимоий ҳаётдаги роли масалаларини; АҚШлик тадқиқотчилар Ф.Сиёсанши, П.Хербиг, С.Беркун, Р.Флорида, Э.Хаген инновацион гуруҳлар, инновацион шахс хусусиятлари, инновацион фаолият масалаларини; А.Инкелес инновацияни фикрлар хилма-хиллиги ва

³ 100 ҳикматлар. Таржимон ва нашрга тайёрловчи А.Ирисов. – Тошкент: Нур ИИЧБ, 1993. –Б. 9.

⁴Шумпетер.Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. – Москва: Директмедиа Паблишинг, 2008. – С.158.

келажакка йўналган ҳодиса мисолида, Р.Солнит ва С.Шварценберглар анъаначилар ва новаторлар ўртасидаги зиддият сифатида таҳлил этганлар. Франциялик файласуф олим Р.Дебре медиология, яъни инновацион ғояларнинг моддийлашуви муаммосини, россиялик файласуф олим А.Палади инновацияларни тарқатувчи субъектлар, яъни ижтимоий жавобгар бўлган етакчилар масалаларини, Г.Герасимов ва Л.Илюхин инновациянинг ижодийлик ва креативликка боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этганлар. Тадқиқотчилар Е.Когай, Ю.Яковец, Е.Князева, Т.Столярова ва О.Блейхернинг илмий асарларида инновацияларнинг ижтимоий-фалсафий ва гносеологик жиҳатларини очиқ берганлар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан модернизация жараёнлари, инновациянинг хусусиятлари ва ижтимоий моҳияти, инновацион шахснинг хусусиятлари, инновацион фаолият ва инновацион жамиятнинг шаклланиши масалалари ўрганилмоқда. А.Бегматов, С.Норкулов асарларида ана шу муаммолар ёритиб берилган. Модернизация жараёнларига илм-фан ва янги технологияларнинг таъсири, уларнинг ўзаро алоқадорлиги файласуфлар М.Абдуллаева, С.Отамуродов, И.Саифназаров, Б.Тўйчиев, М.Нурматова, С.Мамашокиров, А.Қодиров, Г.Ғаффорова; ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш муаммолари Ш.Мадаева, К.Туленова, И.Хўжамуродов, М.Қаҳҳорова, К.Джавакова, Ф.Юлдашева; илмий билиш ва ижтимоий муносабатларга янгича ёндашув масалалари профессорлар Н.Шермухаммедова, Р.Баҳодиров ва Э.Иззетова томонидан ривожлантирилган.

Инновацияларнинг иқтисодий жиҳатлари З.Гаибназарова, Р.Гимуш, Ф.Матмуродов, З.Муқумов, Г.Тарахтиева, Т.Тешабоевнинг; педагогик инновацияларнинг ривожланиш жараёни Р.Мавланова, Н.Рахмонкуловаларнинг илмий ишларида, ҳуқуқий жиҳатлари А.Аҳмедовнинг илмий тадқиқотларида таҳлил этилган⁵.

Айни пайтда Ўзбекистонда модернизация шароитида ёшларда инновацион онг шаклланиши масалалари, инновация тўғрисидаги концепциялар, инновацион онг, шахс ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги, ёшларда инновацион онгни шакллантириш муаммолари алоҳида, яхлит ҳолда махсус тадқиқ этилмаганини қайд этиш лозим.

Шу боис ёшларда инновацион онгни шакллантириш масалаларини тадқиқ этиш, бу борадаги илмий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда модернизация жараёнида ёшларда инновацион онг шаклланишини амалий тадқиқ этиш» мавзусидаги амалий тадқиқоти доирасида бажарилган.

⁵ Ушбу тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда модернизация жараёнида ёшларда инновацион онг шаклланишининг маънавий ва праксиологик жиҳатларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

модернизация контекстида инновация феноменининг намоён бўлиш шакллари, генезиси ва ижтимоий-фалсафий муаммоларини тадқиқ этиш ҳамда инсон капиталини бойитишдаги аҳамиятини очиб бериш;

шахсдаги очиклик, мотивация ва интеллектуал ташаббускорликни ривожлантириш инновацион жамиятни вужудга келишидаги детерминантлиги илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

инновацион онгни шакллантириш жараёни креатив гуруҳлар ва оверстрата (интеллектуал элита) каби ижтимоий тузилмалар фаолияти билан боғлиқлигини тадқиқ этиш;

инновацион онгнинг касбий фаолият турларининг трансформацияси (янги касбларнинг вужудга келиши)га мослашувни таъминлаш учун давлат ва хусусий шерикчилигини йўлга қўйишдаги аҳамиятини очиб бериш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда модернизация шароитида ёшларда инновацион онгнинг шаклланиши.

Тадқиқотнинг предмети модернизация жараёнида ёшларда инновацион онгни шаклланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий, праксиологик ва институционал омиллар.

Тадқиқотнинг усуллари. Диалектика, анализ ва синтез, социологик сўров, тизимли ёндашув ва назарий моделлаштириш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инновацион онгнинг шаклланиши инсон капиталини намоён бўлиш шакли сифатида шахснинг эҳтиёж, мақсад ва ҳаракат каби праксиологик хусусиятлари билан боғлиқлиги очиб берилган;

модернизация контекстида ёшлардаги толерантлик, шахсий мотивация ва интеллектуал ташаббускорликни ривожлантириш инновацион жамиятни вужудга келишидаги детерминантлиги очиб берилган;

инновацион онг креатив гуруҳлар ва оверстрата (интеллектуал элита), корпоратив гуруҳлар шаклланиши билан узвий равишда ҳамда мавжуд билимларнинг генерацияси натижасида тараққий этиши илмий-назарий асосланган;

ёшлар инновацион онгининг касбий фаолият турларининг трансформациясига адаптация қилишдаги аҳамияти ва бу жараёнга ижтимоий шерикчиликни татбиқ этиш йўллари (касбий таълим хизматларини диверсификация қилиш, уюлмаган ёшларни касбга йўналтиришда нодавлат секторининг ўрни) асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

модернизация жараёнида ёшларда инновацион онгни шакллантириш омилларининг ижтимоий-фалсафий мазмуни ва концептуал ечимлари илмий

асосланган;

ёшларда инновацион онгни шакллантиришнинг самарали ижтимоий воситалари (таълим муассасаларида ёшлар етакчилари билан ташкил этишнинг инновацион механизмлари, меҳнат жамоаларида новаторлар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг моддий ва маънавий омиллари, ёшлар томонидан инновацион фаолиятни намоён қилиш) тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, махсус журналларда чоп этилган мақолалар, диссертация хулосаси, таклиф ва тавсияларининг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўзбекистонда модернизация шароитида инновациянинг роли, инновацион жамият ва инновацион шахс ўзаро муносабатлари ва ёшларда инновацион онгни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари ва концептуал ечимларининг комплекс тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан мавзуга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда, ёшлар орасида тадбиркорлик масалалари бўйича семинар-тренинглар дастурини тузишда, уюшмаган ёшлар билан ишлашда ва ёшларда инновацион онгни шакллантиришга йўналтирилган тадбирларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва амалий тавсиялардан узлуксиз таълим тизими, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги бўлимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида, шунингдек, сиёсий партияларнинг ёшлар билан ишлаш жараёнида, инновацион мазмундаги тадбирларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Модернизация жараёнида ёшларда инновацион онгни шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-фалсафий асосланган хулоса ва тавсиялар асосида:

инновацион онгининг шаклланиши инсон капиталини намоён бўлиш шакли сифатида шахснинг эҳтиёж, мақсад ва ҳаракат каби праксиологик хусусиятлар билан боғлиқлигининг очиб берилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси депутатининг сайловчилар билан учрашувларни режалаштиришида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси Мудофаа ва хавфсизлик қўмитасининг 2019 йил 7 мартдаги № 06/2-05 сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш ёшлар билан учрашувларнинг қизиқарли ўтишига ва долзарб муаммоларни илмий асосда ҳал қилинишига ёрдам берган;

модернизация шароитида ёшлардаги толерантлик, шахсий мотивация ва интеллектуал ташаббускорликни ривожлантириш инновацион жамиятнинг вужудга келишидаги детерминантлиги тўғрисидаги хулосалардан «Қасбга

тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув-ишлаб чиқариш тизимида миллий базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш» мавзусидаги А-1-41-рақамли амалий тадқиқот доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 апрелдаги 89-03-1469-сон маълумотномаси); Ушбу хулосалар шахс ривожланишининг янги хусусиятлари - очиклик, иновацион мотивация, интеллектуал ташаббускорлик ва тафаккурнинг синергетик усулининг мазмун-моҳиятини ёритишга хизмат қилган;

инновацион онг креатив гуруҳлар ва оверстрата (интеллектуал элита), корпоратив гуруҳлар шаклланиши билан узвий равишда ҳамда мавжуд билимларнинг генерацияси натижасида тараққий этиши юзасидан билдирилган илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Республика ёш олимлар Кенгаши томонидан 2018 йилда белгиланган устувор вазибаларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган Йўл харитаси 1,5-бандларини амалга ошириш механизмларининг ишлаб чиқиши, шунингдек, тарғибот материалларини тайёрлашда фойдаланилган. Диссертация ишининг иккинчи бобида инновацион шахс яратувчанлик фаолиятининг хусусиятлари, инновацияларни ўзлаштириш борасида ишлаб чиқилган тавсиялардан Республика Ёш олимлар Кенгашининг 2018 йил май ойида бўлиб ўтган «Innoweek-2018» Форуми дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Ёш олимлар Кенгашининг 2018 йил 10 апрелдаги 04-14/3-сонли маълумотномаси); Бу иқтидорли ёшларни, креатив-ижодий гуруҳларни қўллаб-қувватлаш механизмининг такомиллаштирилишига хизмат қилган ҳамда ёшларда новаторлик фаолияти натижадорлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган;

ёшлар инновацион онги касбий фаолият турларининг трансформациясига адаптация қилишдаги аҳамияти ва бу жараёнга ижтимоий шерикчиликни татбиқ этиш йўллари (касбий таълим хизматларини диверсификация қилиш, уюлмаган ёшларни касбга йўналтиришда нодавлат секторининг ўрни) бўйича таклиф ва тавсиялар Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан 2018 йилнинг 13 февраль куни ўтказилган «Ўзбекистон фаол тадбиркорлари» анжуманининг дастурини ишлаб чиқишда, шу йилнинг 28 март куни ўтказилган «Обод қишлоқ» лойиҳаси доирасида уюлмаган ёшлар ўртасида ташкил этилган фаол тадбиркорлик ва инновацион ғояларни тарғиб қилиш бўйича тадбирларда фойдаланилган (ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2018 йил 25 апрелдаги 01-27/424-сонли маълумотномаси); Ушбу хулосалар ёшлар бандлигини таъминлашда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикчилик муносабатларини мустаҳкамлашга ижобий ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (3 та республика, 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, объекти, предмети, методлари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Модернизация шароитида инновацион парадигманинг назарий-концептуал асослари» деб номланган биринчи бобида демократик ислохотларни амалга ошириш босқичида модернизациянинг жадаллашгани, бу эса инновациялар тараққиётини тақозо этиши асослаб берилган.

Биринчи параграфда демократик ислохотларнинг янги босқичида модернизациянинг мазмун-моҳияти, йўналишлари ва намоён бўлиш шакллари фалсафий таҳлил этилган. Модернизациянинг намоён бўлиши натижасида ижобий демократик қадриятлар ижтимоий ондан ўрин эгаллайди ва жамиятнинг эркинлашиб бориши, илм-фан ютуқлари, илғор технологияларнинг жамиятнинг барча соҳаларига кириб келишига объектив ва субъектив шарт-шароит яратилади. Бу эса мазкур жараённинг инновацион онг шаклланиши билан уйғун кечиши, уларнинг ўзаро таъсири ва диалектик алоқаси мавжудлигини акс эттиради. Модернизациянинг кишилар ижтимоий ҳаётига тобора чуқур кириб келиши натижасида асрлар давомида шаклланган ва шахс фаолиятида муҳим роль ўйнаб келаётган миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимининг ҳам муайян суръатда ўзгариш жараёни кузатилади. Илмий адабиётларда бу атама «замонавийлаштириш», «янгилашни» маъносида қўлланади. Модернизация жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, илмий-технологик ва бошқа соҳаларида амалга ошириб борадиган объектив ва қонуний жараёндир.

Давлат ва жамият ҳаётини босқичма-босқич, устувор йўналишларни белгилаб олган ҳолда янгилашнинг ҳуқуқий ва сиёсий асоси Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидир.

Модернизациянинг натижаси жамиятда илғор демократик қадриятлар тарқалиши ва жамиятнинг эркинлашиб бориши, илм-фан ютуқлари, илғор

технологияларнинг кириб келишига шарт-шароит яратади. Модернизацияни амалга оширувчи субъектлар унинг барча соҳаларда бир текисда кечишини таъминлаши зарур. Фақат техник ёки иқтисодий соҳада амалга оширилган модернизация тўла бўлмайди ва кутилган натижани бермайди. Жамиятнинг прогрессив тараққиёти янгиланиш ва ислохотларсиз, демак, модернизациясиз амалга ошмайди. Бу ҳолат модернизациянинг қонуний ва объектив хусусиятга эга эканлигини англатади.

Модернизация жараёнлари ички ва ташқи имкониятларни ишга солиш ҳисобига амалга ошириши мумкин. Ўзбекистонда модернизация жараёнлари миллий менталитетни эътиборга олган ҳолда ва ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш ҳисобига амалга оширилмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан интеграциялашувининг кучайишига, халқаро миқёсда обрў-эътиборининг ошиб боришига имконият яратмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антонио Гутерриш Ўзбекистон Республикаси Президентига йўллаган мурожаатномасида Ҳаракатлар стратегияси БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадлари ва 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш кун тартиби билан кўп жиҳатдан ҳамоҳанг экани ҳамда БМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун асос бўлиши мумкинлигини таъкидлади⁶.

Ўзбекистонда:

биринчидан, модернизация жараёнлари жамиятнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган бўлиб, унга умумхалқ муҳокамаси натижасида тақдим этилган таклиф ва тавсиялар асосида ишлаб чиқилган дастур асос бўлиб хизмат қилмоқда;

иккинчидан, аҳолининг, хусусан, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, инновациялар ва илмий тадқиқотларга қизиқишини кучайтириш ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ва технопарклар фаолиятининг йўлга қўйилиши модернизация жараёнларининг самарадорлигини таъминловчи омиллардир;

учинчидан, жамият тараққиёти глобаллашув, интеграция, ахборотлашув билан бирга инновация контекстида амалга ошмоқда.

Шу ўринда файласуф олимларнинг «ҳозирги замондаги беқарорлик, ижтимоий борлиқнинг ўзгарувчанлиги барқарорликнинг бир кўринишига айланиб қолди»⁷, деган фикри янги босқичдаги демократик ислохотларнинг туб моҳиятини англатади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни, янги босқичдаги демократик ислохотларнинг моҳиятини ёшлар тушуниб етиши ва қўллаб-қувватлаши натижасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги таъминланади. Ёшларнинг илм-фан ютуқларини тушуниши ва амалиётда

⁶ 2017 йил – шиддатли ислохотлар йили. – Тошкент: Адолат, 2018. –Б.6.

⁷ Абдуллаева Н.М., Гаффарова Г.Г. Философия и современность // Argiоi. Серия: Гуманитарные науки. – Краснодар, 2014. -№ 2. –С.3.

қўллай олишларини таъминлашнинг муҳим шарти – инновацион онгни шакллантиришдир.

Дунёдаги глобал ўзгаришлар – интернет тармоғи, ягона иқтисодий ва ахборот маконининг шаклланиши натижасида модернизация жараёнлари тезлашиб бормоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида илғор технологияларни ўзлаштириш, уларни қўллаш ва яратишга бўлган интилиш, бир томондан, глобализациянинг натижаси бўлса, иккинчи томондан, барқарор тараққий этиш жараёнида вужудга келадиган такомиллашув сари интилишнинг бир кўринишидир. Янгиликка бўлган интилиш, мавжуд тизимларнинг самардорлигини оширишга қаратилган фаолият инновация сифатида талқин этилмоқда.

Инновация – жамият аъзоларининг янгича тафаккур асосида моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган фаолияти бўлиб, унинг натижасида амалдаги тизимлар иш жараёнида самарадорликнинг ошиши юз беради. Инновацияларни англаб етиш, тушуниш билан уларнинг муҳим ва долзарб бўлганларини танлай билиш, тегишли соҳаларга қўллай олиш, инновацияларни тартибга солиш, тўғри бошқариш муаммоларини ҳам юзага келтириши аниқ.

Россиялик файласуф М.В.Райская “Инновация назариялари ва инновацион жараёнлар” ўқув қўлланмасида тараққиётни мобилизацион ва инновацион турларга ажратади⁸. Мобилизацион тараққиёт жамиятнинг барча ресурсларини жалб этган ҳолда кескин ўзгаришларни тақозо этади. Тизим фаолиятининг самарадорлиги жамият аъзоларининг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда инновацион ривожланиш орқали босқичма-босқич таъминланади. Тарихий тажрибадан ҳам маълумки, қисқа муддат давомида кескин ривожланиш мақсадларини илгари суриш ёки халқ хўжалигининг битта соҳасинигина тараққий эттириш кутилган натижани бермайди.

Ривожланишнинг инновацион йўли тизим элементларининг ўз салоҳияти асосида тараққий этиб, янги хусусият касб этиб бориши ёки тизимга янги таркибий қисмларнинг кириб келиши ҳисобига амалга ошади. Инновациянинг юзага келиши тараққиётнинг босқичма-босқич бориши асосида оддийдан мураккабга томон борадиган ва қонуний тарзда амалга ошадиган жараёнлардир. Ҳар қандай тизимда ўз-ўзини ривожлантириш механизми мавжуд бўлиб, эски нарса ёки ҳодисанинг ўрнини янгилик эгаллаб бориши ҳамда тизим таркибий қисмларининг мунтазам янгиланиб бориши тараққиётнинг хусусияти ҳисобланади. Инновация янгича тузилмага эга бўлган ўзгача асосда, янги элементлар асосида вужудга келади. Бундай элементларнинг кўпайиб бориши натижасида янги тизимлар пайдо бўлади.

АҚШлик олим Ферейдон Сиёсаншининг фикрича, инновациялар амалдаги тизимни ўзгартириш орқали юз беради. Инновацияларни қўллаётган кишилар мавжуд тизимнинг ўзгартирувчилари бўлиб, улар янгиликларни олиб кириш орқали тараққиётга хизмат қиладилар. Инновациялар, энг аввало, татбиқ этилаётган соҳа тизимининг ўзгариши

⁸ Райская В.М. Теория инноваций и инновационных процессов. –Казань: КНИТУ, 2013. –С.88-89.

ҳисобланади. Ўзгараётган тизимни қўйидагича ифода этиш мумкин: инновация – ўзгариш – мослашиш – мослаша олганларнинг ҳаёт учун курашда ғолиб чиқиши (рақобат)⁹. Ёшлар табиатидаги ўзгаришларга интилувчанликни мақсадли йўналтириш мавжуд потенциални билим олиш, касб-ҳунар ўрганиш ҳамда маънавий ва моддий неъматлар яратилишига олиб келади.

Бундай шароитда вужудга келган янги қадриятлар жамият интеллектуал салоҳиятининг ривожланишига сабаб бўлади. Инновациялар инсон фаолиятининг мезонига айланиб, замонавий қадриятлар тизимидан жой олади. Ўзбекистон тараққиётида замонавий тафаккурга, инновацион қадрият ва салоҳиятга эга бўлган шахслар муҳим рол ўйнаши мумкин. Жамият талабларига жавоб берадиган, етакчилик қобилиятига эга шахслар ўз ортидан юқори салоҳиятли шахсларни эргаштириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш орқали инновацион жамиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Инновация объектив жараён бўлиш билан бирга, субъектларнинг фаолиятига асосланади ва улар томонидан ҳаракатга келтирилади. Инновация жараёнларининг субъектлари новатор, инноватор, дастлабки фойдаланувчилар ва бошқа жараёнга алоқадор шахслардир.

Диссертацияда жамият тараққиётининг суръатлари муайян инновацион фаолият учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги, унинг жамият аъзолари томонидан қабул қилиниши, ижтимоий ҳаётга татбиқ қилиниши, ёшларнинг кундалик ҳаётида ва турмуш тарзида қўлланилиши, инновация жараёнлари субъектларининг фаоллиги каби бир қатор омиллар билан бевосита алоқадор эканлиги ёритилган.

Инновациялар тараққиёти натижасида инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган, асрлар давомида шаклланган қадриятлар тизимининг ўзгариши юз беради.

Модернизация нуқтаи назаридан инновация жараёнларини тадқиқ этишда қўйидагиларни таъкидлаш ўринли:

биринчидан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар модернизацион моҳиятга эга бўлиб, жамиятнинг янгиланишига қаратилган;

иккинчидан, модернизацияни қўллаб-қувватлаш учун мамлакатда инновацияларга катта эътибор берилмоқда;

учинчидан, инновацияларнинг кенг тарқалиши учун унинг илмий асосларини ўрганиш ва бу соҳада тадқиқотларни ривожлантириш зарур.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Шахс шаклланишининг инновацион-праксиологик жиҳатлари» деб номланган бўлиб, унда инновацион жамият ва унинг вужудга келиш шарт-шароитлари, инновацион шахс ва унинг хусусиятлари, моҳияти ҳамда инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёни илмий, ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Инновацияларнинг кириб келиши, тарқалиши ва ўзлаштирилиши натижасида жамият соҳалари тобора янгиланиб, ўзига хос замонавийлашиб

⁹ Fereidoon P. Sioshans. Innovation and Disruption at the Grid's Edge: How distributed energy Resources are Disrupting the Utility Business Model // Academic press is an imprint of Elsevier, 2017. –P.57.

боради. Натижада жамият инновацион характер касб этиб боради. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига инновацияларни татбиқ қилиб бораётган ҳамда субъектларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаётган, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, илмий, технологик, маданий-маънавий жиҳатдан замонавий талаблар асосида янгиликларни жорий этиш натижасида тобора янгиланиб бораётган жамият бу – инновацион жамиятдир.

Инновацион жамият барпо этишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари инновацион муҳит, онг, маданият, мақсад ва танловларнинг юзага келиши, улар асосида фаолиятнинг амалга ошиши ва инновацион гуруҳлар фаолиятининг қўллаб-қувватланиши билан боғлиқдир.

Ёшлар ҳаётида ижтимоий-маданий ва маънавий соҳада юз бераётган инновация жараёнида миллийлик, анъаналарни барқарор омил сифатида сақлаб қолишга интилиш билан бирга янгиликларни жорий этиш ва ўзгаришларга интилишнинг кучайиши ҳам кузатилмоқда.

Инновацион жамиятнинг фаол субъекти – ёшлар бўлиб, ҳозирги босқичда унинг тимсолида инновацион шахсни шакллантириш талаб этилади. «Инновацион шахс» тушунчасини америкалик файласуф Эверетт Хаген илмий муомалага киритди¹⁰. Эндиликда бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти шаклланиши шароитида ёшлар орасидан жамиятнинг илғор қатлами бўлган инновацион шахсни камол топтиришга эҳтиёж туғилди. Бундай ёшлар ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга нисбатан толерант, илм-фан соҳасидаги янгиликлар билан ҳамқадам бўлиши ва мавжуд билимларини тижоратлаштира олишлари зарур бўлади.

Шу билан бирга бундай ёшлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши зарур: инновацион ёндашув ва салоҳият, фаолиятнинг янгиликларни яратишга йўналганлиги ва инновацион онг. Ҳозирги босқичда жамият тараққиёти ана шундай хусусиятларга эга бўлган ёшларни шакллантириш муаммоси билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Инновацион шахс шаклланиши ва ривожланишида ижтимоий ривожлантириш муҳим ўринни эгаллайди. Жамият олдида турган вазифаларни тўғри ҳал этиш инсон капитали билан узвий боғлиқ бўлиб, мамлакатимизда бу масала давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади.

Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт»¹¹. Бундай инновацион ёндашувлар тараққиётнинг асоси бўлиб, ёшларда инновацион онгнинг

¹⁰ Gerasimova V., Mokichev S. Nano-economics in a National System of Innovation // Procedia Economics and Finance 5. 2013, – P. 288 – 297.

¹¹ <https://president.uz/uz/lists/view/2228> - Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Мурожаат этилган сана: 28.12.2018 й.

шаклланиши истиқболлари ҳамда натижалари кўп жиҳатдан инсон капиталига боғлиқ.

Инновациянинг тарқалиши ёшлар томонидан уни англаш, инновациялар танловини амалга ошириш ва ижтимоий ҳаётга жорий этиб боришни талаб этади. Инновацион фаолият тўғрисида қарашлар ва ёндашувлар каби унга берилган таърифлар ҳам хилма-хилдир. А.Бегматов инновацион фаолиятни қуйидагича тавсифлайди: «Инновацион фаолият» атамаси ишлаб чиқаришда янги такомиллаштирилган маҳсулотни яратиш бўйича хизматлар бажаришни, янги такомиллаштирилган технологик жараённи англатади. Инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- янги маҳсулотни яратиш бўйича фаолият;
- янги оригинал ғояларни тайёр маҳсулот сифатида бозорга чиқариш;
- янги оригинал ғояларни такомиллаштириш ва ҳ.к.»¹².

Инновациянинг ижтимоий феноменга айланиб бориши ва унинг тарқалиш кўламининг тобора кенгайиб бориши натижасида бу жараённи ўрганувчи янги қарашлар ва ёндашувлар юзага келмоқда. Эндиликда инновациянинг ишлаб чиқариш ва илм-фан соҳаси билан бир қаторда таълим, маданият, кундалик турмуш тарзига ҳам кириб келаётганлиги кузатилмоқда. Бу жараён инновациянинг жамиятнинг замонавий талабларинигина эмас, балки унинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳам қондиришнинг муҳим омили сифатида тан олиншига олиб келмоқда.

Инновацияларнинг кенг жорий этилиши шахс фаолияти билан боғлиқ. Унинг асосида жамиятда юз бераётган иқтисодий-ижтимоий жараёнларга нисбатан фаол ҳаётий муносабат ётади. Бунинг натижасида шахс инновацияларни қабул қилиш, танлаш ва уларни татбиқ қилишга нисбатан фаол муносабатга асосланади, ўзининг ижтимоий фаолиятида аста-секин инновацион ёндашувни амалга ошириб боради.

Файласуф олим М.Молостованинг фикрича, «шахс фаолиятида инновациялар ва уларни ўзлаштиришга муносабат қуйидагилар асосида амалга ошади:

- фаолиятнинг мақсадга йўналганлиги ва натижани олдиндан англаб етиш;
- юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб ўтишга йўналганлик;
- тез ўзгариши мумкин бўлган ҳолатларга мослаша олиш;
- кутилмаганда юзага келган вазиятда ҳаракат қила олиш;
- қатъиятлилик;
- муваффақиятга йўналганлик ва муваффақиятсизликдан чўчимаслик;
- яратувчанлик ва ижтимоий йўналганлик»¹³.

